O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 15 октябрь ЧОРШАНБА
№ 82 (12.093)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади
www.th.uz

## ВАТАНГА ХИЗМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 27 августда қабул қилинган "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарорига мувофиқ барча синов ва танловлардан муваффақиятли ўтган йигитлар муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатилмоқда.**

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси чақирув пунктида ҳам ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар, чақирилувчиларнинг ота-оналари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш, ихчам, юқори тайёргарликка эга бўлган профессионал армияни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Шунинг баробарида ҳарбий хизмат йигитларимиз учун ҳақиқий маънода шон-шараф ишига айланиб бормоқда.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари вакиллари ва ота-оналар ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи эканини таъкидлаб, уларни она Ватанга садоқат билан хизмат қилишга, юртимиз озодлиги, халқимиз осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асрашга даъват этдилар.

– Ўғлимни армияга кузатмоқдаман, – дейди бекободлик Мақсуда Ҳайитова. – Истиқлол шарофати билан фарзандларимизни армияга жўнатиш ва кутиб олиш маросимлари мана шундай тантана билан ўтказиладиган бўлди. Бундан биз, ота-оналар ғоят миннатдормиз. Бундай тадбирларни кўрган ёшларда эса миллий армиямиз сафларида хизмат қилишга қизиқиш янада ортади.

– Синовлардан яхши ўтиб, армия сафига йўл олмоқдаман, – дейди Пскент туманидан чақирилган К. Биков. – Ватанга, мустақил юртга хизмат қилиш улкан шараф. Ҳарбийлар иштирокида бўлиб ўтган суҳбат ва учрашувларда аскар сергак, мустақил фикрга эга, масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук бўлиши зарурлигини тушуниб етдим.

Тадбирда хизматга отланаётган йигитларга ташкилотчи ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Эрта экқан эрта ўради



## БУҒДОЙ ЕР БЕТИНИ ҚОПЛАДИ

**Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Турсунали Ҳайдаров буғдой бўйича тажрибали мутахассис Саидкарим Тулеповни ёнига олиб, «Дилмурод» фермер хўжалиги даласига борди. «Хушхабарнинг қаноти бор» деганларидек, кечаги гап рост экан. Йигирма гектар майдондаги буғдой майсалари ер бетини қоплаб бўпти. Қайси томондан қараманг, ер кўринмайди. Ҳаммаёқ кўм-кўк.**

Бошқарма бошлиғи майсанинг қалинроқ жойидан бир-икки тупни юлиб олиб, тикилди-да:

– Ҳа, яхши туплабди, – деди. – Олдиларида тўрттагача бор.

– Дуркунлигини айтмайсизми, – гапга қўшилди С. Тулепов. – Қишдан бехавотир ўтишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бу биринчидан, айни вақтида экилганлигининг шарофати. Қолаверса, қарови ҳам чакки бўлмаган.

– Албатта-да, – деди фермер Дилмурод Аширматов, – гектарига 110 килограммдан суперфосфат бердик. Дала бошларига 4-5 тонна ҳисобидан маҳаллий ўғит чиқариб, биринчи сувни шарбат усулида оқиздик.

– Айниқса, кўчатнинг қалинлиги жуда меъёрида бўлибди, – деди Т. Ҳайдаров. – Гектарига қанча уруғлик сарфладингиз?

– Бу «Зомин-1» навли буғдой. Аввалги йиллари ҳам экилиб, агротехникаси обдон синалган. Гектарига 220 килограммдан сепилса, қалинлиги энг мақбул даражада бўлади. Мана, бирорта бегона ўт йўқ. Бундан кейин ҳам бўлмайди. Хўжалигимизнинг саккиз нафар аъзосидан ҳеч қандай иш қочиб қутилмайди. Ахир уйлари дон, қўллари пул кўриб турибди-да.

Пскентлик ғаллакорлар бу йил 8700 гектар майдонда ғалла етиштиришни режалаштиришган. Шундан 450 гектари лалми. «Зомин-1» дан ташқари «Крошка», «Тоня», «Кума», «Нота» навли буғдой ҳам экилади. Ҳозиргача, ғалла учун ажратилган ернинг учдан икки қисмига экиб бўлинди.

– Кунига 320-330 гектарга уруғ сепилаяпти, – дейди бошқарма бошлиғи. – Бир ҳафта-ўн кундан кечиктирмай экишни якунлаш учун ҳамма имкониятларга эгамиз.

**СУРАТДА:** (чапдан) фермер Дилмурод Аширматов, бошқарма бошлиғи Турсунали Ҳайдаров ва мутахассис Саидкарим Тулепов.

**Даврон АҲМАД**
**олган сурат.**

Йиғилиш

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг муҳим бўғини – маҳалланинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир ёш оила маҳаллада шаклланади.***

Маънавий ахлоқий тарбия, миллий анъаналарга ҳурмат ҳам шу маҳалладан бошланади. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ бу тизимни такомиллаштириш, унинг мақомини кўтариш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қарорига асосан бошланган сайлов компанияси ҳақиқий маҳалла етакчиларини танлаб олиш, бу бўғинни халқ ишончини оқлай оладиган кадрлар билан мустаҳкамлашда янги босқич бўлади.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессиясида фуқаролар йиғинлари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия таркиби тасдиқланган эди. Кеча мазкур комиссия ўзининг дастлабки йиғилишини ўтказди. Унда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди. Йиғилишда сўзга чиққан сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия раиси Адиба Аҳмаджонова фуқаролар йиғинлари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш босқичлари билан йиғилганларни таништирди.

– Маҳалла бошқарувига катта эътибор бутун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолат беради, – деди у. – Айни пайтда у юртимизда амалга оширилаётган "Кучли давлатдан – кучли жамият сари" тамойилининг ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг тафаккурини замонавий асосда шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фуқаролар йиғинлари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда энг аввало ишни қишлоқ ва маҳаллаларда тузилган ишчи гуруҳлари билан мулоқот ўтказиш, уларнинг вазифаларини белгилаб олишдан бошлаш зарурлиги йиғилишда алоҳида таъкидланди. – Бу тажрибадан маълум. Шу боис жойларда ишчи гуруҳлари аъзолари учун семинарлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Йиғилишда, шунингдек, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи туман ва шаҳар комиссиялари ишини мувофиқлаштириш, фуқаролар вакилларининг йиғилишига вакиллик тайинлаш, сайловни ўтказиш жараёнлари ҳақида фикрлар билдирилди. Бу ишларни янада жонлантириш учун сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия хонасида ишонч телефонлари ўрнатилиши зарурлиги таъкидланди.

**Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»**
**мухбири.**

**Тошкентда 14 октябрь куни очилган IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан уч юздан зиёд йирик фирма, компания ва тўқимачилик корхонасидан тўрт юздан ортиқ вакил иштирок этмоқда. ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.**

## СЎЗ – ЯРМАРКА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Лю ТУНЦИ,**
**"Huachen" компаниясининг лойиҳаларни ижро этиш департаменти директори (Хитой):**

– Довруғи дунёга танилган ўзбек пахтасининг юқори сифати ҳақида кўп эшитган эдим. Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида унинг навлари ҳақида батафсил маълумот олдим. Ярмарка давомида компаниямиз икки минг тонна пахта сотиб олиш учун шартнома имзолашни режалаштирган.

Тошкентда ўтказилаётган ушбу анъанавий халқаро ярмарка, нафақат Ўзбекистон иқтисодиётини, балки жаҳон пахта савдосини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Юртингиз компаниялари билан узоқ муддатли шериклик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш тарафдоримиз.

**Вадим БАКАРИНОВ,**
**"Примтекс" компанияси бош директори (Россия):**

– Ўзбекистон пахтаси дунёдаги энг сара ва аъло сифатли пахталардан ҳисобланади. Бу – жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган ҳақиқат. Шу боис у ғоят харидоргир. Ўтган йили компаниямиз ярмаркада ўн уч минг тонна пахта харид қилган эди. Бироқ унга эҳтиёжимиз янада ортди ва кейинроқ қўшимча сотиб олдик.

**Аҳад КЕРМАНИЙ,**
**"Ferdows Textile" компанияси бош директори (Эрон):**

– Ўзбекистоннинг пахта бозори барқарорлиги билан ажралиб туради. Компаниямиз кўп йиллардан буён ўзбек пахтасини сотиб олади. Чунки унинг юқори сифати Эрон саноати талабларига тўла жавоб беради.

Илгари ўзбек пахтасини Европа мамлакатлари орқали харид қилар эдик. Мазкур ярмарка уни тўғридан-тўғри сотиб олиш имконини яратди. Ўзбекистон пахта толасининг халқаро андозалар асосида сертификатланиши муҳим кафолат ҳисобланади.

Ярмарка юксак савияда ташкил этилгани билан эътиборга молик. Анжуманда иштирок этаётган хорижий компаниялар сонининг йил сайин ортаётгани жаҳон бозорида ўзбек пахтасининг нуфузи юксалиб бораётганидан далолатдир. Бу галги ярмаркада икки минг тоннага яқин пахта толаси сотиб олмоқчимиз.

**Шайх Муҳаммад АЛИ,**
**"Royal Inspection International" компанияси бош директори (Бангладеш):**

– Бангладеш ҳам Ўзбекистон каби пахта саноати ривожланган мамлакат. Шунга қарамай, пахтангизнинг сифати ғоят юқори бўлгани боис маҳсулот ишлаб чиқаришда ўзбек пахтасидан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Бангладеш импорт қиладиган пахтанинг олтмиш беш фоизи Ўзбекистондан олиб келинади.

Компаниямиз бир неча йилдан буён Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ушбу ярмарка юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу ерда иштирокчилар ўзбек пахтасининг юқори сифатини таъминловчи омиллар билан танишиш ҳамда пахтачилик юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконига эга бўлмоқдалар.

**Дак Су ЧАНГ,**
**"J&H White Gold" компанияси бош директори (Корея Республикаси):**

– Юртингиз пахтачиликни ривожлантириш борасида юксак натижаларга эришмоқда. Буни иштирокчилари сони тобора ошиб бораётган мазкур ярмарка мисолида ҳам кўриш мумкин.

Биз мамлакатингиз билан бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Компаниямиз пахта савдоси билан шуғулланади. Мазкур ярмаркада кўп томонлама фойдали мулоқотлар олиб бориш ва истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз. Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларимиз изчил ривожланиб бораверади, дейиш учун тўла асос бор.

**ЎзА мухбирлари**
**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди.**

Қарор ва ижро

**Соғлом ва амалий рақобатни шакллантириш бозор муносабатлари шароитида долзарб тус олмоқда. Бу жараёнда фуқароларнинг бевосита иштирокини кучайтириш, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш, истеъмолчи ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари алоҳида аҳамият касб этаётир. Шуни назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.**

## ҚАТЪИЯТ – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

– Бу қарор, туманимизда истеъмолчилар ҳаракатини кучайтириш, "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди, – дейди Янгийўл тумани истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти раиси Умид Аҳмедов. – Унинг талабларини амалга ошира бориб, жамиятимиз ўз сафига янги-янги аъзоларни жалб этишни, ташкилотлар ва муассасаларда истеъмол маданиятини оширишни, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтираётир. Амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш фаолиятимизнинг икки устувор йўналишидир.

Бугун бу саъй-ҳаракатларнинг натижаларини сарҳисоб қилиш мумкин. Чунончи, кейинги йилларда аъзолар кўпайиб, 7 минг кишидан ошди. Маҳаллалар, ташкилот ва муассасаларда дастлаб 54 та таянч гуруҳлари иш олиб борган бўлса, бугун 80 га яқин шундай гуруҳ фаолият кўрсатаётир.

(Давоми 2-бетда).

Замондошлар

## САМАНИМ МАНИМ...

*"Сенсан ўшал саманим маним..."*
***Абдулла Орипов.***

Отлар ҳақида кўп ёзилган. Шеърлар, ҳикоялар, қиссалар... Отлар ҳақида бадиий фильмлару спектакллар, ҳатто, қўшиқлар ҳам бор.

Аммо, йилқичилик, аниқроғи, ўша зотдор тулпорларни етиштирган кишилар эса камроқ эсланади. Негадир улар кўпинча "панароқда" қоладилар.

Ҳолбуки, ўша улоқлару пойгаларда, баландликка сакрашу бошқа спорт мусобақаларида миллионлаб томошабинларни ҳайратга солган "чемпион" отларни ана шу даражага етказишда отбоқару йилқичиларнинг хизматлари катта бўлади. Лекин улар табиатан камтарин, босиқ одамлар бўлгани учунми, бу ҳақда қарийб гапирмайдилар, кўкракларига уриб, қилаётган ишларини писанда қилмайдилар.

Асқар Хўжаев ана шундай замондошларимиздан бири. Кўринишидан оғир вазнли полвонларни эслатса-да, аслида содда, тортинчоқ йигит. Бутун умри отлар билан боғланган. Уч йил бўлди, Оҳангарон тумани "Ҳожимурод ҳожи ота" хусусий наслчилик-йилқичилик фермер хўжалигини бошқаради. 100 бошдан ошиқ отлари бор. Нияти отларнинг наслини йўқотмаслик, зотдор отлар етиштириш, энг муҳими, ўзбек тулпорларини жаҳон миқёсига олиб чиқиш...

Асқар ана шунақа, орзу-хаёллари осмондек бепоён, ўзи яшайдиган қир-адирлар каби чексиз-чегарасиз йигит-у, сал камгапроқ. Аммо, отлар ҳақида сўз очсангиз, очилиб кетади. Зеро, отлар ҳаётининг нурли бир парчасига айланиб қолгандек.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. У ва устози Ҳабибулла Эгамназаров билан гурунгимиз ўзимиз ҳам сезмаган ҳолда яна отлар мавзуига уланиб кетди.

Шундоққина тоғ этагида ўтирибмиз. Устоз журналист Раҳимжон ака Орипов, истеъфодаги офицер, тажрибали от ишқибози Ҳабибулла ака Эгамназаров, қаҳрамонимиз Асқар Хўжаев ва мен. Икки устоз, икки шогирд.

Ҳаво мусаффо. Узоқ-яқиндаги осмонўпар тоғлар қўл узатса етгудек туюлади. Теграмизда ям-яшил адир, тепамизда кўм-кўк осмон. Нарироқда эса, отлар уюри кўзга ташланади. Уларга қараб, завқ-шавққа тўлиб кетасан киши. Устоз адиб Саид Аҳмад ёзганидек, ана шу "отларни миниб, адирларда елдай учгингиз, отларнинг ёлларини силагингиз келади..."

Отлар ҳақида кўрган, билган, эшитганларимни эслашга уринаман, шу тахлит суҳбатимиз қўрига ўт ташламоқчи бўламан.

– Бу мавзудаги гап-сўзларнинг на боши бор, на охири, – деди Ҳабибулла ака ўйчан товушда. – Дунёда пайдо бўлибдики, одамзот от билан бирга. Отлар инсон хизматида. Отлардан-да, беминнат, ҳалол жониворни билмайман...

Унинг гапларини эшитиб, эслашга уринаман. Қаердадир ўқигандим: "Миллион йиллар муқаддам ҳам, ер юзида одамлар бўлмаган замонларда сайёрамизда "эохинус" деган кичкинагина туёқли жониворлар яшаган ва ана шулар биз билган бугунги отларнинг қадимий аждодлари ҳисобланар эканлар".

– Отларнинг дастлабки расмлари ибтидоий одамлар томонидан 15000 йил аввал ғорларнинг деворларига чизилган экан, – дейди Раҳимжон ака худди менинг фикрларимни уққандек. – Қизиғи шундаки, олимлар ўша деворий суратлардаям отнинг жиловига ўхшаган нарсаларни кўришган. Демак, отлар ўша замонлардаёқ қўлга ўргатилган экан-да?

– Отларнинг энг қадимий зотлари арабий ва ахалтека зотлари ҳисобланади. Улар тўғрисида Искандар Зулқарнайн, Геродотлар даврида ҳам ёзилган, – дейди Ҳабибулла ака. – Уларнинг ташқи кўриниши зўр бўлади. Оёқлари нозик, қони қайноқ, ўйноқи...

(Давоми 2-бетда).

2009 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

Қарор ва ижро

# ҚАТЪИЯТ – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Жамият ёш истеъмолчиларнинг фаоллигини ошириш, уларда ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун кураш руҳини, соғлом истеъмол кайфиятини тарбиялаш масалалари билан муттасил шуғулланаётир. Шу мақсадда мактаблар, лицей ва коллежларда машғулотлар, маслаҳат кенгашлари ташкил этилмоқда, кўрик-танловлар ўтказилаётир. Янгийўл тумани вакиллари вилоят ва республика кўрик-танловларида муваффақиятли қатнашаётгани аҳолининг истеъмол маданияти юксалиб бораётганлигини тасдиқламоқда. Уларда иқтисодиёт, саноат ва қишлоқ хўжалик коллежлари, 17-, 34-, 42-, 4-умумтаълим мактабларининг ўқувчилари юксак маданиятли истеъмолчилар кўрик-танловларида эса, Абдулла Ортиқов, Ниёзбоши, Шўралисой қишлоқлари ва Гулбаҳор шаҳарчаси вакиллари айниқса фаол иштирок этишаётир. Бу кўрик-танловлар аҳоли барча қатламларининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини кўтаришда муҳим ўрин тутаётир. Истеъмолчилар фаоллиги ортаяпти, улар ўз ҳуқуқлари тикланишини талаб қилиб чиқишмоқда. Буни фуқаролардан ўз ҳақ-ҳуқуқлари тикланишида ёрдам сўраб тушаётган аризалар кўпайганида ҳам кўриш мумкин. Муҳими шундаки, бу аризаларнинг деярли барчаси ижобий ҳал этилишига эришилаётир.

Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти масалани охиригача етказиб, турли муаммолар тўла-тўкис ҳал этилишига эришаётган ҳолатларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Чуноччи, Ниёзбоши ва Абдулла Ортиқов қишлоқлари аҳолисининг фойдаланилмаган газ учун ҳам ҳақ ҳисобланаётганлигига тааллуқли аризалари юзасидан ўтказилган мониторинглар истеъмолчилар шикояти асосли эканлигини тасдиқлади. Икки қишлоқда яшовчи 347 хонадон фойдасига деярли 11,5 миллион сўмлик табиий газ қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Яна бир мисол. Газ босими бирдан кўтарилиб кетиши натижасида ёнғин чиқиб, Халқобод қишлоғи Бобур маҳалласида яшовчи Р. Хаитованинг хонадони катта моддий зарар кўрди. Истеъмолчи мурожаатномаси юзасидан жамият мониторинг ўтказди. Туман прокуратураси тергов ишлари олиб бориб, Янгийўл газ таъминоти идорасидан бу хонадонга етказилган 14,5 миллион сўм моддий ва маънавий зарарни ундириш борасида фуқаролик судига даъво аризаси киритди. Янгийўл тумани истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти суд жараёнида жабрланувчининг ишончли вакили сифатида иштирок этиб, фуқаролик судининг биринчи босқичида кўрсатилган маблағ газ идорасидан ундирилиши хусусида ажрим чиқарилишига эришди. Лекин Янгийўл газ идорасининг апелляция шикоятини кўриб чиқиш жараёни чўзилиб кетди. Жамият қатъият кўрсатиши натижасида Зангиота туманлараро фуқаролик суди бу ишга нуқта қўйди. Кўрилган зарар жабрланувчига ундириб берилди.

Истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқини изчил ҳимоя қилишнинг бундай мисоллари Янгийўл туманида оз эмас. Улар туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти қонун ва қарорлар ижросини таъминлаш, адолатни қарор топтириш учун сабот билан иш олиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Экология ва саломатлик

# КУЗГИ ХАЗОН

***уни ёқиб, одамларни заҳарлаш ўрнига, махсус жойларга тўплаб, компостга айлантириш лозим.***

Ўлкамизда кузги хазонрезги мавсуми бошланди. Шу муносабат билан шаҳар ва туман марказларида, кўп қаватли уйлар, ҳатто, боғча ва мактабларнинг атрофларида, одатдагидек, хазон ва турли чиқиндиларни ёқиб юбориш ҳоллари тез-тез учрамоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида", "Чиқиндилар тўғрисида", "Давлат санитария назорати тўғрисида" ва бошқа қонунлари тегишли моддаларига зид бу ножўя одатнинг зарарли оқибатлари ҳар йили аҳолига тушунтирилишига қарамай, "тарки одат амри маҳол" бўлаяпти.

Маълумки, хазон ва чиқиндиларни дуч келган жойда ёқиш оқибатида ҳосил бўладиган канцероген модда – бензапирен ҳамда тутуннинг таркибидаги ис гази ўта заҳарли бўлиб, инсон танасининг тегишли аъзоларига кислород етиб боришини қийинлаштиради ва турли хасталикларни келтириб чиқаради. Шуни ҳисобга олиб, "Экосан" халқаро ташкилоти хазонларни компост қилиш учун махсус ажратилган жойларга тўплаш юзасидан тегишли ташкилотлар, айниқса, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, махсус транспорт ташкилотлари, санитария милицияси, коммунал хизмат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари билан хазонларни ёқиш муаммоларини бартараф этиш чораларини кўриш, аҳоли ўртасида кенг ташвиқот олиб бориш, бу жараёнларда оммавий ахборот воситалари иштирокини кучайтириш мақсадида "Кузги хазонрезги даврида экология ва саломатлик масалалари" мавзусида давра суҳбати ўтказди. Тадбирда, санитария ва эпидемиология давлат назорати марказлари, ободонлаштириш бошқармалари, "Махсустранс" корхоналари, жамоат ташкилотлари раҳбар ва мутахассислари ҳамда журналистлар иштирок этдилар.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, аҳоли хазонларни ёқиб юборишнинг зарарли оқибатлари хусусида умумий тасаввурга эга, холос. Шу сабабли "Экосан" халқаро ташкилоти давра суҳбати чоғида махсус тадбирлар дастурини тақдим этди. Унга мувофиқ хазон ва чиқиндиларни дуч келган жойда ёқиб, юқорида тилга олинган қонунларнинг бузилишига йўл қўяётган ташкилот ва шахсларга нисбатан қонунлар доирасида зарур чоралар кўришни кучайтириш тавсия этилди. Бунинг учун жамоатчилик рейдларини уюштириш, бу ишга талабалардан ташкил топган санитария-экология отрядларини жалб этиш таклифи киритилди.

Шунингдек, давра суҳбати иштирокчилари "Экология ва саломатлик кунлари"нинг 3-босқичи доирасида хазон ва чиқиндиларни ёқиб юборишнинг олдини олиш, уларни ўз вақтида тўплаш ва махсус жойларга ташиб кетилишини таъминлаш мақсадида ҳашар ва бошқа акцияларни ташкил этиш зарурлигини таъкидладилар.

Замондошлар

# САМАНИМ МАНИМ...



– Зотлариям кўп эканда, ўзи? – суҳбатга аралашаман мен. – "Арабий" деяпсиз, "Ахалтека" деяпсиз. Ундан кейин "Орлов", "Қорабайир", "Владимир", "Дон", "Кустанай", "Кабардин" деган зотлариям бор.

Ҳабибулла аканинг қотмадан келган юзи ёришиб кетади.

– Зоти кўп-у, зотдорлари кам-да, – кулимсирайди у. – Отларга ёшлигимдан ишқибозман. Кўп йиллардан бери йилқичилик-наслчилик билан шуғулланиб келаман. Ҳозир ҳам, мана Асқарбекка ҳамкорлик қилиб юрибман. Энг асл соф қонли, зотдор отларни етиштириш керак. Наслларини айнитмаслик керак...

– Ҳабибулла ака бу масалада менинг устозим бўладилар, – суҳбатга қўшилади Асқар. – Фермер хўжалигимизни ташкил этишда ҳам шу киши бошқош бўлдилар. Ҳозир ҳам нафақа пулларидан отларга ем олиб бериб юрадилар.

– Бўлмаса нима қилишим керак? – қошларини чимиради Ҳабибулла ака. – Нафақани нега оламан унда?

Кулишамиз.

– Энди, отлар ҳаётимнинг мазмунига айланиб қолган-да, – жилмаяди Ҳабибулла ака. – От қимизининг ўзи турган-битгани шифо. От гўшти, қазиқартасининг лаззатини етти иқлимда ҳам топиб бўлмайди. Ҳатто, ғижжагу-скрипкаларнинг торини ҳам отларнинг думидан ишлашаркан. Юклар ташиши, узоқни яқин қилиши тўғрисида гапириб ўтирмайман. Умуман, ҳаётни отсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун отларнинг насли йўқолмаслиги керак. Ниҳол йўқолса, боғ йўқ бўлади. Демак, инсоннинг қаноти бўлган бу жониворларгаям меҳр керак, эътибор керак. Фермер хўжалигимиз шу мақсадда ташкил этилган.

– Хўжаликда неча кишисизлар? – сўрайди Раҳимжон ака.

– Ҳозир 50 киши ишлаяпти. Наслчилик-йилқичиликка ихтисослашганмиз, – дейди Асқар. – Хўжалигимизга сув, газ олиб келдик. Беда, арпани ўзимиз етиштирамиз.

– Шу ердаги мактабларга ҳам ёрдам бериб туришингларни, компьютерлар олиб берганларингни айтмайсанми? – кулимсирайди Ҳабибулла ака. – Майли, ҳаммасини айтмай қўяқолай. "Қорақалпоқ" қишлоғига газ ўтказиб беришганининг ўзи катта гап. Фермер деганлари шунақа мард, қўли очиқ бўлади-да!

– Сизнинг бошчилигингизда! – деб қўяди Асқар юзига табассум ёйилиб.

Кулишамиз.

Мен ёши 70 дан ҳатлаб ўтганига қарамай, ҳамон йигитлардек тетик ва ўктам бу одамга ҳавас билан қараб қўяман.

– Бизнинг отларимиз ҳам дунё миқёсига чиққан ва чиқади, – дейди у киши. – Мен ўзимизнинг отлар Халқаро аукционларга, жаҳон мусобақаларига чиқишига, ўзини оқлашига ишонаман. Биласизлармi-йўқми, улар 3200-3400 километргача югура олади. Бу улоқчиларнинг, пойгачиларнинг жон-тани эмасми? "Жокей-клуб"ларни кўпайтириш керак. У ерларда фақат отларга меҳр қўйган одамларгина ишлаши лозим. Отларимиз нафақат ўзини оқлайди, балки катта фойда ҳам келтиради.

– Ҳозир отларингиз орасида қанақа зотлилари бор? – сўрайди Раҳимжон ака нарироқда ўтлаб юрган отларга қизиқсиниб қараб қўяркан.

– Ҳозир йўртоқи (йўрға) отларни сақлаб қолиб, бу зотдор наслларни кўпроқ етиштираяпмиз, – дейди Асқар. – Улоққа мослашган, салт миниладиган қорабайир отларимиз бор. Тезлиги сустроғ-у, лекин бақувват. "Орлов" зотли йўртоқиларимиз бор. Уларга "Америка" зотлиларини қўшдик. Отлардаги тезликни ошириш учун. Бу тажрибамиз ўзини оқлади. Бошқа наслдор чопқир отлар олдида ўзимизникиларни камситиб қўймаслигимиз керак!...

Яйловда ўтлаб, кишнаб, югуриб юрган отларга қарайман. Тоғ тарафдан шамол эсади. Отларнинг ёллари, думлари ҳилпирайди. Таналари ихчам, оёқлари узун, ниҳоятда чиройли отлар.

– От инсоннинг азалий дўсти, – дейди Ҳабибулла ака вазмин оҳангда. – Уни минсалар, юк ташиса, йўлини яқин қилса, улоқ чопса, пойгаларда қатнашса, арава тортса...

– "Засок"ни айтиб беринг! – дейди Асқар унинг сўзини бўлиб.

– Э, қўй, эслатма, ярамни янгилама, – дея қўл силтайди Ҳабибулла ака.

– Устознинг бир "рекордчи" оти бўларди, – ҳикоя қилади Асқар чуқур тин олиб. – Яқин-яқингача бунақа учқур тулпор бўлмаган. Бир мусобақада кутилмаганда ютқазиб қўйгач, ўн кундан кейин бу мағлубиятни кўтара олмай, ўлиб қолганди...

Орага жимлик чўкади.

Беихтиёр, Лев Толстойнинг "Холстомер", Михаил Шолоховнинг "Тойчоқ", Чингиз Айтматовнинг "Алвидо, Гулсари", Саид Аҳмаднинг "От билан суҳбат" сингари машҳур асарларини эслайман ва улар билан ана шу, биз кўриб турган отлар ўртасида қандайдир яқинлик, муштараклик туйгандек бўламан.

Яна адибнинг "Отнинг жони бор, юраги бор. Шунинг учун одамга эл бўлади" деган сўзларини хотирлайман.

Асқарнинг товуши хаёлимни бўлади.

– Ҳар бир отимизнинг "буваси", бувиси", "ота", "онаси" қайд этиб бориладиган "шажара дафтари" тутганмиз, – дейди у. – Унга ҳар бир отнинг насли, келиб чиқишидан тортиб, туғилган йили, ойи, куни, вазнию соғлиғигача ҳаммаси батафсил ёзиб борилади.

– Айрим одамлар ота-боболарини, етти пуштини билмаган бир пайтда бу жуда яхши гап экан, – дейди Раҳимжон ака ҳайратини яширолмай.

– Айтдик, ем-хашакни ўзимиз етиштирамиз, – давом этади Асқар. – Оҳангарон туман фермерлар уюшмаси 200 гектар ер берган. 60 гектар ерга арпа экканмиз. Йилқичилик учун сертификатимиз бор. Солиқдан озод қилинганмиз. Техника, тракторлар, эҳтиёт қисмлар масаласида муаммолар йўқ. Банкдан кредит олиб, ишларимизни янада ривожлантираяпмиз.

Биздек фермерларга шарт-шароит яратиб, ғамхўрлик қилаётган Юртбошимизга, ҳукуматимизга раҳмат. Фақат отлардан жиндек меҳримизни аямасак, бизнинг тулпорларимиз, саманларимиз ҳам юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшиб бораверади. Алпомишлару, Гўрўғлилар, Амир Темуру шоҳ Бобурлар миниб юрган арғумоқлар шажараси давом этиши керак. Давом этади. Шундай бўлган, бундай кейин ҳам шундай бўлади!..

Шундоққина ёнимиздан бир тўда отлар уюри дупур-дупур қилиб, югуриб ўтади. Туёқ товушларию отларнинг кишнаши, пишқиришлари оламни тутгандек бўлади. Гўё бу тулпорлар ҳам Ўзбекистон деган жаннатмакон юртнинг довруғини жаҳонга ёйиш тараддудида чоғланиб тургандек туюлади кишига...

**Эркин УСМОНОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ТАНЛОВЛАР

## «ЎЗБЕКИСТОН – МЕНИНГ ВАТАНИМ!»

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, "Камалак" болалар ташкилоти 2008 йил – Ёшлар йили деб эълон қилингани муносабати билан оммавий ахборот воситалари, энг аввало ёшлар ва болаларга қаратилган даврий нашрлар, интернет-порталлар ва сайтларни республикамизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, уларнинг ҳаёти, ўқиш, изланишлари, ютуқ, муваффақиятлари, муаммолари ҳақидаги тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий материаллар билан бойитиш, ёш журналистларнинг профессионал маҳоратини ошириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида мамлакатдаги ёшларга ихтисослашган барча газета ва журналлар, интернет– порталлар ва веб-саҳифалар ижодкорларини, 30 ёшгача бўлган барча журналистлар ва ижод билан шуғулланаётган талаба ёшларни "ЎЗБЕКИСТОН – МЕНИНГ ВАТАНИМ!" деб номланган танловда иштирок этишга таклиф қилади.**

**Танлов шартлари:**

Танловда мамлакат ҳудудида рўйхатга олинган мулк шаклидан қатъи назар, ёшлар йўналишига ихтисослашган барча босма оммавий ахборот воситалари, интернет-порталлар, веб-сайтлар, 30 ёшгача бўлган ва мамлакат оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб борадиган ёки улар билан ҳамкорлик қиладиган ижодкорлар, олий ўқув юртларининг журналистика факультетлари талабалари иштирок этишлари мумкин.

Танловга топширилган материаллар 5 тадан кам бўлмаслиги шарт. Танловга юборилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ғолибларни аниқлашда таҳририятлар фаолиятининг ёшлар ва болалар ўртасида оммавийлиги, мавзунинг ёшлар ҳаётида тутган ўрни, долзарблиги, "Ёшлар йили" Давлат дастури мақсад-вазифаларига мувофиқлиги, профессионал маҳорат, тил ва услубий оригиналлик асосий мезон ҳисобланади.

**Танлов икки йўналишда ўтказилади:**

1. Ёшлар ва болалар йўналишига ихтисослашган энг яхши босма оммавий ахборот воситалари, интернет-порталлар ва веб-саҳифалар таҳририятлари учун.
2. Ёш журналистларнинг босма ОАВ ва интернет тармоғида чоп этилган ёшларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол вояга етишига қаратилган материаллари учун.

Танловга 2008 йил 1 январдан 2008 йил 20 декабргача чоп этилган материаллар қабул қилинади.

Танлов ғолиблари нуфузли экспертлардан таркиб топган жюри ҳайъати томонидан аниқланади.

**Танлов номинациялари:**

**Таҳририятлар йўналиши бўйича:**

– энг яхши ёшлар газета/журнали;
– энг яхши болалар нашри;
– энг яхши талабалар газетаси;
– ёшларнинг энг оммавий портали, веб-саҳифаси.

Ёш журналистлар йўналиши бўйича:

– "Ўзбекистон – менинг Ватаним!" ("Ёшлар йили" Давлат дастурида кўзда тутилган мақсад-вазифаларнинг мамлакат ҳудудларида амалга оширилиши кенг ёритилган, республикамизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, илм-фан, спорт соҳаларида ёшларнинг фаол иштироки, давлатимизнинг ёш авлодга қаратилган сиёсатининг амалий натижаларига бағишланган турли журналистик жанрлардаги туркум материаллар).

Ғолибларга мукофотлар:

Ғолиблар танлов ташкилотчилари томонидан таъсис этилган диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланади.

Танлов материаллари ва иштирокчилар тўғрисида маълумотлар "Ўзбекистон – менинг Ватаним!" деган қайд билан "Камолот" ЁИҲ Марказий кенгашига 2008 йил 22 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй.

**Ташкилий қўмита.**

## «МЕНИНГ КОНСТИТУЦИЯМ»

**Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрлар орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, аҳолининг барча қатламлари орасида мамлакат асосий Қонунининг ўрганилиши жараёни мунтазам равишда ёритиб борилишини таъминлаш ҳамда журналистларнинг бу борадаги профессионал маҳорати, ижодий фаоллигини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида "Менинг Конституциям" танловини эълон қилади.**

**Танлов йўналишлари**

Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

– энг яхши таҳлилий материал (мақола, очерк, репортаж);
– энг яхши интервью;
– энг яхши фоторепортаж .

**Танлов шартлари**

Танловга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти, унда фуқаролар учун белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, уларнинг амалдаги ижроси чуқур таҳлил қилинган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида асосий Қонунни ўрганиш борасида амалга оширилаётган жараёнлар кенг ёритилган, бу йўлда дуч келинаётган муаммолар таҳлилий ва танқидий руҳда кўтариб чиқилган материаллар, фоторепортажлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисидаги (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид ) маълумотлар илова қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда "Менинг Конституциям" танловига рукнида танлов матбуотда эълон қилинган 2007 йил декабрь ойидан 2008 йил 1 декабргача чоп этилган бўлиши шарт.

**Танловни ўтказиш тартиби**

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

**Танлов ғолибларига мукофотлар**

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар "Менинг Конституциям" танловига" деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2008 йил 1 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри – 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 244-12-51, 244-15-96, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz.

**Ташкилий қўмита.**


**ДУК "Сувсоз" тресги қошидаги "MUSAFFO OBI HAYOT" МЧЖ Тошкент вилоятининг Қибрай, Тошкент ва Зангиота туманларида шаҳар ичимлик сувидан истеъмол қилаётган абонентларга 2008 йил 1 ноябрдан бошлаб аҳоли учун: Ичимлик суви – 70.00 сўм – 1 м куб Оқава хизмати – 34.00 сўм – 1 м куб белгиланганлигини маълум қилади.**

# ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!



**Тошкент вилояти ҳудудида Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2008 йил 14 ноябрь куни соат 18.00 да очиқ тендер ўтказилади.**

**Чирчиқ шаҳри бўйича**
**Битта пакет билан:**
**ШИ-1 й.т. "Айланма"**
**ШИ-4 й.т. "Азотчи маҳалласи – Куйи Жалоир маҳалласи"**
**ШИ-5 й.т. "УзКТЖМ – 8-кичик ноҳия (2-Азотчи)"**
**ШИ-6 й.т. "КСМ – Айланма"**
**Битта пакет билан:**
**ШИ-7 й.т. "Бўстон санаторийси – Пойабзал фабрикаси"**
**ШИ-12 й.т. "УзКТЖМ – 3-кичик ноҳия (шаҳар парки)"**
**ШИ-15 й.т. "8-кичик ноҳия – 5-фермерлар уюшмаси"**
**Якка тартибдаги йўналишлар сифатида:**
**ШИ-3 й.т. "ЭХП – 8-кичик ноҳия (шаҳар парки)"**
**ШИ-24 й.т. "ЭХП – 5-фермерлар уюшмаси"**
**ВХ-300 й.т. "Янгийўл АШБ – С. Раҳимов м.б. АШБ"**
**ВХ-286 й.т. "Янгийўл – Тошкент бут. орқали"**
**ВХ-279 "Янгийўл – Тинчлик ф/у"**
**ВХ-292 "Янгийўл – Ўқитувчилар олийгоҳи"**
**ВХ-221 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори – Тинчлик ф/у"**



Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўловчи ташиш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2008 йил 3 мартдаги 43-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

**Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.**

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент вилояти ҳудудида Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил қилиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун **Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноаткурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий бўлими 20210000404661167001 ҳисоб рақами, (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га 50080 сўм ўтказиб, 2008 йил 9 ноябргача буюртма беришлари лозим.**

Тошкент вилояти ҳудудида Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2008 йил 13 ноябрь соат 18.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Ўртачирчиқ тумани, Қорасув мавзеси, "Вилоят штаби" мажлислар залида.

**Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.**

